

## Ўзбекистон Президенти Миланга келди



Расмий ташриф билан Италияда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Римдан Милан шаҳрига келди.

“Мальпенсе” аэропортида олий мартабали меҳмонни Ломбардия вилояти раҳбарияти кутиб олди.

Эртага давлатимиз раҳбари ушбу ҳудуд губернатори билан учрашади ҳамда Италиянинг етакчи компания ва ташкилотлари раҳбарлари билан давра суҳбати ўтказилади.

“ITMA 2023” тўқимачилик машинасозлиги бўйича энг йирик халқаро кўргазмага ташриф буюрилиши ҳам режалаштирилган.



**Манба**